

“ACWA Power” халқаро энергетика компанияси бошқаруви раиси Тошкент вилоятидаги яшил водород ишлаб чиқариш корхонасига ташриф буюрди.

// 12.06.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/acwa-power-halqaro-energetika-kompaniyasi-boshqaruvi-raisi-tashrif-chiqarish-korxonasiga>



“ACWA Power” халқаро энергетика компанияси бошқаруви раиси Мұхаммад Абунайян Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги яшил водород ишлаб чиқариш корхонасига ташриф буюрди.



Мазкур лойиҳа "Ўзкимёсаноат" АЖ ва Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси "ACWA Power UKS Green H2" қўшма корхонаси негизида амалга оширилмоқда. Лойиҳа бўйича йилига 3 минг тоннадан ортиқ яшил водород ишлаб чиқарилади ва минерал ўғитларга қайта ишланади.

Унинг доирасида корхонани қайта тикланувчи энергия билан та'минлайдиган 52 МВт қувватга эга шамол электр стансиясини қуриш ҳам кўзда тутилган.



Та'кидлаш жоиз, мазкур лойиҳа мамлакатимизда "яшил энергетика"ни ривожлантириш ва иқтисодиётга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилишда муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Лойиҳадан мақсад:

- мамлакатимиз кимё саноатига энг сўнгги инновацион ва энерготежамкор технологияларни олиб кириш ва шу орқали соҳани декарбонизациялаш, яшил технологияларга ўтиш;
- минерал ўғит ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни қисқартириш ва йилига қарийб 33 миллион метр куб табиий газни иқтисод қилишдан иборат.



Эътиборли жиҳати шундаки, яшил водород ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитга заарли ташланмалар чиқарилмайди, нефт ёки табиий газ каби қазиб олинадиган ёқилғидан фойдаланишини камайтиради ва иқтисод қилиш имконини беради. Бу эса "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш йилида қўзланган мақсадларга эришиш имконини беради.



Шуни ҳам алоҳида та'кидлаш лозимки, ушбу лойиҳа ишга тушилиши билан Ўзбекистон дунёда яшил водород ишлаб чиқариладиган 7-мамлакат, МДҲ мамлакатлари орасида 1-давлат бўлди.



